



الْعُجْلَانِ مُمْهُنُ وَطَبِ يَؤُوتِ فَصَلِّ لَهْ اَعْدَاؤُ ، اَمْ كَيْ طَعُّ اَلْهَلَالِ اَوْ : لِقَافٍ ، اَنْ مَدَّحَافٍ  
اَمْ هَاتِ اَفٍ ، اَعَجَرَ ، «مُهَنْ اَمْ ثَأْمَ هَيْ لَعُ قُفْنُ اَوْ مُهَعِي بَأِي نَكَلِ وُ ، مَهَيْ لَعُ قُفْنُ اَمْ دَجْ اُ  
اَمْ هَسُ وُؤُرِ اَيِّ طَعُ اِذَا ، اَمْ هَتَ فَيَطِقُ يَفِ اَلْحَدِّ دَقِ وَا مَلَسَ وَا هَيْ لَعُ هَلَالِ اَيِّ صَيِّ بِنِ اَلِ  
: لِقَافٍ ، اَرَاثِ ، اَمْ هَسُ وُؤُرِ تَفَشَكُنَا اَمْ هَمَّ اَذِقَا اَيِّ طَعُ اِذَا وُ ، اَمْ هَمَّ اَذِقَا تَفَشَكُنَا  
: لِقَافٍ ، اَيِّ لَبِ : اَلِ اَقِ «؟ يَنْ اَمْ تَلِ اَسْ اَمَّ مَرِّي خَبْ مُ كُرْبُ خُ اَلِ اُ» : لِقَافٍ مُثْ ، «اَمْ كَنْ اَكَمَّ»  
هَلَالِ اِنَا اَدَمَّ حَتَّ وُ ، اَرْشَعِ اَلِ صَ لُ كَرْبُ دَ هَلَالِ اِنَا حَبَّ سُنْتُ ، لِي رُبَّ جُ نُهَيْ نَمَّ لَعُ تَ اَمَّ لَكِ  
، نِي ثَا لَثَ وَا ثَا لَثَ اَحْبَبَ سَفِ ، اَمْ كَشِ اَرْفِ اَيِّ لِي اَمْ تِي وَا اِذَا وُ ، اَرْشَعِ هَلَالِ اِنَا رَّبَّ كُنْتُ وُ ، اَرْشَعِ  
«نِي ثَا لَثَ وَا اَعَبَّ رَا اَرْبَ كَ وُ ، نِي ثَا لَثَ وَا اَثَا لَثَ اِدَمَّ حَا وُ .

*Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига Фотимани никоҳлаб берганларида у билан бирга теридан бўлган ёпинчиқ, ичига хурмо пўстлоғи солинган болиш, тош тегирмон, сувидиш ва иккита мешча юборган эканлар. (Фотима онамизнинг сеплари мазкур нарсалардан иборат бўлган.)**

**Бир куни Али Фотимага:**

**«Аллоҳ ҳаққи, қудуқдан сув тортавериб кўкрагим оғриб кетди. Аллоҳ отанга асирлар берди. Бориб, бирорта хизматчи сўрасанг қандай бўларкин?» деди.**

**«Мен ҳам тош тегирмонни айлантиравериб қўлларим қавариб кетди», деди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига борди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга:**

**«Нимага келдинг, қизим?» дедилар.**

**«Сизга салом бергани келувдим», деди Фотима ва у зотдан сўрашга ҳаё қилиб ортига қайтди.**

**«Нима қилдинг?» деди Али унга.**

**«Ул зотдан сўрашга ҳаё қилдим», деди.**

**Кейин икковлари биргалашиб боришди ва Али:**

**«Эй Аллоҳнинг Расули, қудуқдан сув тортавериб кўкрагим оғриб кетди», деди.**

**«Мен ҳам тош тегирмонни айлантиравериб, қўлларим қавариб кетди. Аллоҳ сизга асирларни ва кенгликни берди. Бизга хизматчи**

**беринг», деди Фотима.**

**«Аллоҳга қасамки, сизларга бериб, аҳли суффаларни очликдан қоринлари буришиб турган ҳолда қўя олмайман. Мен уларга бергани нафақа топа олмай турибман. У(асир)ларни сотиб, тушган маблағни ўшаларга инфоқ қилмоқчиман», дедилар.**

**Икковлари қайтиб кетишди.**

**Улар қатийфа - теридан бўлган ёпинчиқларига кириб ётганларида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам олдиларига келдилар. Икковлари уни бошларига ёпсалар, оёқлари очилиб қолар, оёқларига ёпсалар, бошлари очилиб қолар эди. Улар сапчиб турдилар. Ул зот:**

**«Жойингиздан қимирламанг! Мен сизларга мендан сўраган нарсангиздан кўра яхшироқ нарсанинг хабарини берайми?» дедилар.**

**«Ҳа», дейишди.**

**«Бир калималарки, уларни менга Жаброил таълим берди. Ҳар намоздан кейин ўн марта Аллоҳга тасбеҳ айтасизлар, ўн марта ҳамд айтасизлар, ўн марта такбир айтасизлар. Тўшакларингиздан жой олганларингизда эса ўттиз уч марта тасбеҳ айтинглар, ўттиз уч марта ҳамд айтинглар, ўттиз тўрт марта такбир айтинглар», дедилар у зот.**

*Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд ривоят қилишган.*

Умар розияллоҳу анҳу: «Кимнинг ҳаёси оз бўлса, парҳезкорлиги озаяди. Кимнинг парҳезкорлиги оз бўлса, қалби ўлади», деганлар.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Одамлардан ҳаё қилмаган кимса Аллоҳ таолодан ҳам ҳаё қилмайди», деганлар.

Ияс ибн Қурра раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Умар ибн Абдулазизнинг ҳузурида эдим. Унинг олдида ҳаё зикр қилинди ва одамлар:

«Ҳаё диндандир», дейишди.

Шунда Умар:

«Йўқ! Ҳаё диннинг ҳаммасидир!» деди».

## **Ҳаёнинг фойдаларидан:**

1. Ҳаё иймон хислатидандир.
  2. Ҳаё Ислом гўзаллигидандир.
  3. Ҳаё Аллоҳ таолодан хижолат бўлиб, маъсиятни тарк қилишдир.
  4. Ҳаё Аллоҳ таолога муҳаббат қилиб, тоатга берилишдир.
  5. Ҳаё бу дунё ва охираат шармандалигидан узоқлаштиради.
  6. Ҳаё иймон шўъбаларининг аслидир.
  7. Ҳаё ўз эгасини виқорли қилади.
  8. Ҳаё анбиёлар, саҳобалар, тобеъинлар ва авлиёларнинг сифатидир.
  9. Ҳаё Аллоҳ таолонинг ва одамларнинг муҳаббатига сазовор қилади.
- Бас, ҳар бир банда ҳаёли бўлиш ҳаракатида бўлсин.

### ***«Рухий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди***

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.